Dehqon elkasiga dunyo tayanar

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 4 НОЯБРЬ. СЕШАНБА №87 (5.857). Сотувда эркин нархда

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз қашқадарёликлар!

Пахта тайёрлаш йиллик режасини ўз вақтида адо этиб, республика хирмонига салмоқли ҳисса қўшганингиз билан чин кўнгилдан табриклайман.

Ҳар қарич ери бебаҳо хазина бўлган Қашқадарё воҳасининг ўзига хос табиати, иқлим шароити яхши маълум. Бунинг устига эндигина ўсиб чиққан ғўза баҳорги дўл ва жаладан қаттиқ талофат кўрди. Шунга қарамай, мўл ҳосил етиштириш, ибрат кўрсатиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Сабр-бардошли, иродаси мустаҳкам, эътиқоди баланд инсонларгина бундай юмушларнинг уддасидан чиқади. Сизлар бобокалонларимизга хос меҳнатсеварлик, лафзи ҳалоллик ва мардлик каби фазилатларни намоён этиб, республика бўйича энг кўп — 420 минг тонналик хирмон кўтардингиз. Халқона айтганда, эр кишиларнинг ишини қилдингиз.

Бу ғалаба яна шундан далолатки, одамлар астойдил меҳнат қилинса, рўзғор тўкин, мамлакат фаровон бўлишини тўғри идрок этмоқдалар. Улар онгида янгича қарашлар, моддий манфаатдорлик, ерга, юртга эгалик ҳисси тобора чуқур шаклланиб бормоқда. Ислоҳотлар моҳияти ҳам аслида ана шундан иборат. Бошқарувнинг қуйи бўғинидан юқорисигача тартиб-интизом, ҳалоллик қарор топса, агротехника қоидаларига қатъий амал қилинса, деҳқон меҳнатига яраша даромад олса, омбор ҳам ғаллага тўлади, пахта ҳам мўл бўлади. Буни сиз, қашқадарёлик деҳқонлар амалда исбот этдингиз.

Қадрдон дўстларим!

Ҳаётимнинг бир қисми Қашқадарёда ўтгани, танти феълингизни билганим учун бу саховатли заминга ҳамиша фарзандлик меҳри билан қарайман. Бугун барчангизни бағримга босиб, меҳнат зафарингиз билан яна бир бор муборакбод этаман.

Сизларга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман, буюк аждодларимиз руҳи-поклари доим мададкор бўлсин, Оллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Хоразм ва Андижон вилоятларидан сўнг Қашқадарё вилояти деҳқонлари ҳам пахта тайёрлаш буюртмасини бажарди. Улар 420 минг тонналик оқ олтини хирмони уйдилар. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 24 центнердан ошди.

Эришилган муваффақиятга Қарши, Косон, У.Юсупов, Китоб, Қамаши, Яккабоғ туманларининг деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Ҳар гектар майдондан ўртача 32 центнердан ошириб ҳосил олган Касби, баҳорда ёққан қаттиқ жала ва дўл туфайли қарийб юз фоиз майдондаги ниҳолларни қайта эккан бўлса-да, вилоятда биринчилар қатори режани бажарган Ғузор тумани пахтакорларининг меҳнати айниқса таҳсинга лойиқ. Ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олишда вилоят ташкилот ва корхоналари, шаҳарлик ҳашарчи ва талабаларнинг ҳам хизмати катта бўлди.

(ЎзА)

Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкатлар уюшмаси миришкорлари давлатга 6100 тоннадан зиёд пахта сотиб, йиллик режани уддаладилар. Айниқса, 5-ширкатлар уюшмаси деҳқонлари оқ олтинни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда пешқадамлик қилишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан учинчи) ширкат бошлиғи Бекмурод Муродов, бригада бошлиғи Жўрабой Абдураҳмонов, илғор теримчилар Мубожир Ҳаитова, Мукаррам Худойназарова, Акбар Яраш овлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Матбуот сўзининг таъсири

ЯНГИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Дон — бебаҳо бойлик, дастурхонимиз кўрки.

Кейинги йилларда республикамизда ғалла етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Унга суғориладиган ерлар ажратиляпти. Уруғнинг янги, серҳосил навларидан фойдаланилмоқда. Лекин шунга қарамай айрим туман, хўжалик раҳбарлари турли хил баҳоналар ахтариб белгиланган режаларни барбод этмоқдалар.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 4 июль сонида чоп этилган «Ҳосил баракаси» сарлавҳали танқидий мақолада ғалла ўрим-йиғимида йўл қўйилган камчиликлар рўй-рост очиб ташланган эди.

Сирдарё вилояти ҳокимлиги «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасида чоп этилган «Ҳосил баракаси» сарлавҳали мақола юзасидан таҳририятга қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари иштирокида муҳокама этилди. Мақолада кўрсатилган Сирдарё ва Гулистон туманларида ғалла ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Бу йил Сирдарё тумани ғаллакорлари 17654 тонна ғалла ҳосили олиб давлат режасини ортиғи билан бажардилар.

Вилоятда ғалладан бўшаган 4389 гектар майдонга макка ва бошқа такрорий экинлар экилди.

Бу йил вилоят бўйича келгуси йил ҳосили учун 99 минг гектар майдонда кузги ғалла экиш режалаштирилган. Шундан 89 минг гектар сувли ва 10 минг гектари лалми майдонлардир.

Бугунгача вилоятда асосий майдонларга кузги ғалла экиб бўлинди.

Вилоят ғаллакорлари 1998 йилда ҳар гектар ердан юқори ҳосил олиб, бу борадаги режани ортиғи билан бажариш учун барча чора-тадбирларни кўришяпти.

Х. ЯНГИБОЕВ,
Сирдарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари.

ОҚИЛ ХУЛОСАЛАР, АНИҚ ТАДБИРЛАР

Бугунги кунда ҳамманинг фикру хаёли пахтазорга қаратилган.

Пешона тери эвазига етиштирилган оқ олтиннинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бор куч ва техникани сафарбар қилган хўжалик, туман ва вилоятлар бирин-кетин зафар қучишмоқда. Зангори кемаларни вақтида, сифатли мавсумга тайёрламаган раҳбарлар эса яна баҳона излашяпти.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 74-сонида чоп этилган «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилур» сарлавҳали танқидий мақолада техника таъмирига етарли эътибор бермаган айрим вилоят, туман ва хўжаликлар танқид қилинган эди. Ана шулардан бири Қамаши туманидир. Таҳририят ҳокимликдан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди. Уни ўзгартирмай эътиборингизга ҳавола этамиз:

— Рўзномангизнинг 74-сонида босилган «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилур» сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлигида қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси, хўжалик, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва бош мутахассислар иштирокида бўлган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Мақолада келтирилган «Чим» жамоа хўжалигида мавжуд 20 та пахта териш машинасидан 14 донаси таъмирланган, лекин хўжаликда қўл кучи етарлиги ҳамда хўжалик пахта уруғчилиги бўйича элита хўжалиги бўлганлиги сабабли машина теримига кечроқ киришилди.

Ҳозирги кунда хўжаликларда терим машиналари билан пахта териляпти. Касби туманида ҳам 14 та терим машинаси ишламоқда.

Рўзномада босилган мақоладаги эътирозлар ўринли деб ҳисоблаймиз. Туманимиз пахтакорлари ундан тегишли хулоса чиқариб, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказяпти ва мамлакатимиз улкан пахта хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

С. УМАРОВ,
Қамаши туман ҳокимининг ўринбосари.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Юртдошлар!

Пахта етиштириш борасида эришган муваффақиятингиз билан чин дилдан қутлайман. Сизлар кўтарган 250 минг тонналик хирмон бу йил ҳар қачонгидан кўра фидокорона меҳнат қилганингиздан далолат. Сиз эришган марра нафақат моддий, аввалambор катта маънавий аҳамиятга эгадир. Шу боис сизнинг бугунги ютуғингиз айниқса қадрлидир.

Негаки, гуллаб-яшнаган бу муборак заминда қадим замонлардан юксак деҳқончилик маданияти қарор топган. Сизлар қўлга киритган бугунги муваффақият замирида ота-боболаримиз яратган бой анъаналарга таяниб иш юритиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, одамларнинг руҳини кўтариш, замонавий техника ва технологиядан оқилона фойдаланиш, энг муҳими, ерга меҳр қўйиш, унга нисбатан эгалик туйғусини чуқур ҳис этиш каби фазилатлар мужассам.

Ҳаётга муносабат узгариб, янгича тафаккур шаклланаётгани туфайли вилоятда деҳқон меҳнати ва ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Буни қарзга эмас, даромад ҳисобига яшашни одат қилган илғор Пахтачи тумани меҳнаткашлари мисолида яққол кўриш мумкин. Уларнинг ташаббус, изланиш ва тадбиркорликка асосланган иш тажрибаси нафақат вилоят, балки бутун мамлакатда оммалаштиришга муносиб.

Яна бир фикрни катта мамнуният билан сиз азизларга билдирмоқчиман. Қандай оғир кунлар, инжиқ мавсумлар деҳқонлар бошига тушган бўлса ҳам, қандай мураккаб синовлардан ўтган бўлсак ҳам мен ҳеч қачон ўз туғилган ва вояга етган эл-юртимга, унинг буюк имкониятларига ва келажагига меҳримни-ишончимни дариғ тутганим йўқ.

Қадрли ҳамюртларим!

Сизлар бугун юксак маррани эгаллаб, барчамизни мамнун этдингиз. Меҳнат зафарингиз яна бир бор муборак бўлсин у ҳар бирингизнинг дастурхонингизга қут-барака олиб келсин. Янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантириб турсин. Барчангизга тинчлик-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман. Яратганнинг ўзи ҳамиша мададкор бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд вилояти пахтакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 250 минг тоннадан зиёд оқ олтин топширилди. Гектар бошига ўртача 26 центнердан ҳосил кўтарилди.

Давлат буюртмасини 135 фоиз бажариб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказган Пахтачи, шунингдек, Пастдарғом, Иштихон, Ғўзалкент, Жомбой, Каттақўрғон, Нуробод туманлари деҳқонлари ялпи хирмонга муносиб улуш қўшди.

Пахта йиғим-теримида ҳамжиҳатлик, ишнинг қатъий интизом ва уюшқоқлик билан ташкил этилиши муваффақият гарови бўлди.

Ҳали далада ҳосил мўл. Вилоят пахтакорлари йил бўйи қилинган фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган пахтани нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва яна 10 минг тонна оқ олтин топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

ХИРМОНГА БАРАКА

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 3 НОЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
ХОРАЗМ	**0,06**	**111,19**
АНДИЖОН	**0,04**	**105,87**
ҚАШҚАДАРЁ	**0,02**	**100,03**
Самарқанд	0,65	99,55
Фарғона	0,16	90,76
Наманган	0,21	90,02
Тошкент	0,09	88,22
Сурхондарё	0,16	87,29
Навоий	0,20	84,30
Қорақалпоғистон Республикаси	0,26	83,42
Бухоро	0,18	82,57
Жиззах	0,09	71,09
Сирдарё	0,01	67,70
Республика бўйича	0,15	89,65
1996 йилда	0,47	79,86

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

(тонна ҳисобида)

Сурхондарё	154	75425
Қашқадарё	0	8755
Республика бўйича	154	84180
1996 йилда	510	57254

БАҲОНА ҚИДИРГАН ПАНД ЕЙДИ

Бухорода ўнлаб илғор жамоалар аллақачон ғалаба манзилини эгаллаб, давлатга режага қўшимча пахта топширишни қизғин давом эттирмоқдалар. Афсуски, вилоятда терим мавсумида сусткашликка йўл қўйиб, кунлик кўрсаткичларни тобора пасайтириб қолоқлар сафида бораётган туманлар, хўжалик ҳамда бригадалар ҳам оз эмас.

Куз охирлаб қолган бўлса-да, Ромитан туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалигида йиллик режа ҳатто 50 фоизга етган эмас. Ҳар дақиқаси олтинга тенг шу дамларда кунига 1,0-1,3 фоизга етар-етмас миқдорда пахта тайёрланаётганлигини сира оқлаб бўлмайди. Ялпи хом ашёнинг ўндан бир қисмини саранжомлаб олиш учун деярли бир ой муддат сарфланганлигининг ўзи ишдаги имиллашдан дарак бермайдими?! Аҳвол шу зайлда давом этса, даладаги қолган ҳосилнинг тақдири не кечади? Режа бўйича хўжалик 2400 тонналик хирмон тиклаши лозим.

С. Шодиев, О. Солиҳов бошлиқ бригадаларни ҳисобга олмаганда бошқа барча участкаларда аҳвол мураккаб. Ҳамроҳимиз, хўжалик касаба уюшмаси раиси С. Нафасов билан кўплаб бригадаларда бўлиб, ишнинг ташкил этилиши билан қизиқдик. Тушдан сўнг Б. Омонов бошлиқ бригадага етиб борганимизда ҳашарчиларнинг юз-кўзларидаги бесаранжомликни кўриб ажабландик. Суриштирсак, шу вақтгача бригада бошлиғидан ҳам, пахта ташувчи Н. Ражабовдан ҳам дарак бўлмабди. Кўплаб ҳашарчилар терган пахтасини ҳисобчига топширишни кўтиб тушликка ҳам чиқишмаган экан. Улар аҳволини тушуниб масъул кишиларни қидира бошладик. Бир пайт тракторнинг қораси кўринди. Ундан механизатор ва бригада бошлиғи тушди.

— Нега бундай ҳол юз берди?— деб сўраганимизда бригадир қисқагина «Тележка панд берди» деган баҳонани рўкач қилди.

Мухбир ташвишда

Ҳашарчилар етакчиси Х. Ҳайитов бу ердаги меҳнат интизоми, шарт-шароитдан нолиб, гапирди:

— Қанча айтсак ҳам бўлмаяпти. Бригадада тузуккина дала шийпони бўлса-ю, шу ерда тушликка иссиқ овқат тайёрлаш учун ёқда турсин, биргина бак қўйиб сув қайнатиб қўйишмаганига ҳайронмиз.

Иш шу йўсинда олиб борилаётган бригадада режа ҳали 40 фоизга ҳам етгани йўқ. М. Ражабов бош бўлган 11-бригадада, шунингдек, Ж. Чўллиев, Ш. Жумаев, Д. Каримов, А. Саидовлар раҳбарлик қилаётган қўшни участкалардаги кунлик сўрётдан ҳам кўнглимиз тўлмади. Хўжалик бош ҳосилоти Н. Исматуллаевдан бунинг сабабларини сўраганимизда у киши баҳордаги қийинчиликлар, ғўзани суғоришдаги машаққатларни тилга олди, холос. Хўжаликда ирригация-мелиорация ишлари танг ҳолатга тушиб, кўплаб майдонлар кучли шўрланган. Устига-устак уруглик масаласига ҳам панжа орасидан қаралаётганлигини эътироф этиш лозим. Бир ерда узоқ йиллардан буён нукул «Бухоро-6»ни экавериш оқибатида нав ўзининг баъзи хусусиятларини йўқотди.

Танг аҳволдан қутулиш мақсадида хўжалик раҳбарияти минг-минглаб сўм маблағ сарфлаб самолётлар ёрдамида ғўза баргини тўктириш чораларини кўрди. Аммо тадбир ниҳоятда сифатсиз ўтказилгани шундай кўриниб турибди. Одамни шуниси ташвишга соладики, хўжалик мутасаддилари ҳамон хотиржам. Гўё ҳамма иш жойида. Наҳот, улар сўрётни ошириш учун ҳали вақт бор, деган хаёлга борастган бўлсалар! Унда йил охирига бориб ер чизиб қолишлари аниқ.

Усмон НАВРЎЗ.

БОБОТОҒДАН ЮКСАКДИР ҚАШҚАДАРЁ ХИРМОНИ, ЮРТ ФАХРИ-ИФТИХОРИ МИРИШКОР ПАХТАКОРИ

Мустақил республикамиз узра яна хушхабар таралди. Баҳодир вилоятнинг лабзи ҳалол пахтакорлари зафар маррасига етиб келишди. Эл хирмонига 420 минг тонна оқ олтин тўкиб, бу соҳадаги йиллик режани шараф билан бажаришди. Қўлга киритилган катта меҳнат зафарига вилоятнинг Касби, Косон, Усмон Юсупов, Қарши, Қамаши, Китоб, Яккабоғ, Ғузор туманлари деҳқонларининг қўшган улуши айниқса салмоқли бўлди. Қарши даштида ташкил топган Касби тумани пахтакорларининг қўлга киритган меҳнат ютуқлари дилларга олам-олам қувонч бахш этди. Улар режадаги 57 минг тонна ўрнига хирмонга 67 минг тонна пахта тўкиб, юксак мажбуриятларини ҳам шараф билан уддаладилар. Азамат косонлик заршуносларнинг бугунгача хирмонга тўккан пахтаси 55 минг тоннадан ошди.

Вилоятнинг паҳлавон бободеҳқонлари режадан ташқари яна давлатга 20 минг тонна оқ олтин сотишга бел боғлагапликлари кишини қувонтиради. Бу юксак марра албатта эгалланади. Чунки далаларда ҳосил чўғи баланд.



СЕНГА ТАЪЗИМ, СЕНГА ОЛҚИШ, САХИЙ ЗАМИН СОҲИБИ

Эсимда сақланур эрта баҳорда,
Далага йўл олиб тонгда саҳарда,
Экининг сув деса, шарбат таратдинг,
Меҳр-эътиборни унга қаратдинг.
Айни саратонда қуёш осмондан
Олов пуркаса-да сенга ҳар ёндан,
Пахтазор қўйнида сергак эдинг сен,
Майли қиздиравер қуёш, дединг сен.
Неча бор тонгларни уйқусиз кутдинг,
Ҳордиқ чиқаришни кўп бор унутдинг.
Шу сабаб хирмонинг кўкка чўзди бўй,
Шул сабаб далангда бугун катта тўй.
Тўйларинг муборак, танти деҳқоним,
Сенга бағишланур олқишим, шоним.

Беқиёс олқишлар қайси дур! Қашқа воҳаси шуҳратини ошириб-тошираётган азаматлар ҳақида, уларнинг меҳнатдаги жасоратлари баҳсида сўз юритамиз. Ойсара Гелдиева ҳақида кўп ёзилди, кимдир мақола, кимдир очерк битди. Унинг меҳнатдаги жасорати баҳсида китоблар ҳам ёзилса ажабмас. Нима бўлганда ҳам Ойсара Гелдиева эл олқиши-меҳрини қозонган. Катта-кичик давраларда унинг иззат-икромини ўрнига қўйишади. Узоқ-яқиндаги тўй-маъракалар, йиғилишлар усиз ўтмайди. Бригадир опа деб номини ҳурмат билан тилга олишади. Истараси иссиқ бу дилкаш аёл суҳбатига тўймайсиз. Сўзларидан дилингиз ором олади. Олди-қочди гапларни ёқтирмайди. Камтарлиги яна бир хислат. Ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бой тажриба тўплаган. Ҳар гектар майдондан 45 центнердан ошириб ғалла хирмони кўтарди. Пахтачиликда ҳам у билан беллашадиганлар оз. 40 центнердан оз ҳосил олган йилини эслолмайсиз. Бу йил ҳам худди шундай зафарга эришди. Ялпи ҳосил 42 центнерга тўғри келди. Ҳали бригаданинг пахта даласи оппоқ. Қарасанг, қувонасан! 45 центнердан мулжали бор. Бу марра албатта эгалланади.

Айтмоқчи, вилоятимизга келган кўпчилик меҳмонлар Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги миришкор пахтакори билан яқиндан танишиш мақсадида унинг даласига келиб туришади. Ойсара Гелдиеванинг бой тажрибасини ўрганиб, унга тасаннолар айтишади. Бригада саркорининг ғайрат-шижоати дарёдек жўшқин. Ҳар жабҳада ибрат. Бригада жамоасининг ҳар бир аъзоси ўзига топширилган вазифани ҳалол бажаришга ҳаракат қилади. Яна бир хислати шуки, бригадирман деб қўл қовуштириб турмайди. Ҳали сувчи, ҳали қарабсизки ошпаз, керак бўлганда механизатор. Хуллас, ҳалол меҳнати билан обру топмоқда.

Шукрки, Ойсара Гелдиева ҳаётида қувончли дамлар тез-тез юз беради. Пахта даласини айланса яйраб-яшнайди. Ҳосил беҳисоблигини кўриб, қувончини ичига сиғдиролмайди. Уй-рўзғоридан кўнгли тўқ. Фарзандлари аъло баҳоларда ўқишади. Узига яраша бисоти-бойлиги ҳам бор. Томорқаси обод. Мева-чева деб бозорга бормайди. Узумдан тортиб, сабзи пиёзгача уйидан топилади. Қишин-ёзин сигир соғади, боқувда мол бисёр. Ойсара Гелдиева ҳаётидан хурсанд. Бу эса инсонни ёшартиради, кеча-кундуз ишласа ҳам чарчамайди. Ҳа, вақти чоғликка нима етсин!

Вақт утиши билан кўпгина қувончли дамлар унутилади. Лекин бу йил пахта терими авж олган паллада юз берган шоду хуррамлик Ойсара Гелдиеванинг ҳаётида бир умрга муҳрланиб қолди. Унинг даласига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қадам ранжида қилдилар. Не бахтки, давлат раҳбари оддий пахтакор билан дилдан суҳбатлашса! Ундан ҳол-аҳвол сўраб, даласидан беҳад хурсандлигини айтса. Ушанда бригаданинг пахта тайёрлаш режаси 50 фоизга етган эди. Кунлик қўрсаткич йиллик режанинг 7-8 фоизини ташкил этарди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан терилаётганлиги давлатимиз раҳбарини ғоят қувонтирди. Ойсара Гелдиева Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бирга тушган расмини кўз қорачиғидай асраяпти.

— Ишонасизми, — дейди суҳбатдошим юзларидан нур ёғилиб, — ушанда азиз меҳмонни кўриб, шошиб қолдим. Узимни бахтиёр ҳис этардим. Ён-атрофимдагиларни айтмайсизми. Ҳамма бизларга ҳавас билан қараб турарди. Азиз меҳмоннинг қадамлари ёқди. Терим суръати ошиб кетди. Тезда режа бажарилди. Биринчи теримда гектаридан 30 центнерга яқин ҳосил олинди.

— Ҳозир-чи?

— 40 дан ошди. Мўлжалимиз— 45.

— Бригада жамоасининг қайси биридан кўпроқ хурсандсиз?

— Ҳаммасидан. Биз бир оила фарзандларидай иноқмиз. Арра баробар тортилади. Шу боисдан ишимизда барака кўп.

Мустақил Узбекистонимизнинг бир бўлаги ҳисобланмиш азим Қашқадарё вилоятида қалби қайноқ, меҳри дарё инсонлар кўплиги бизни ғояд қувонтиради. Биз уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Энг аввало Баҳористон туманидаги «Олтин бошоқ» жамоа-ширкат хўжалигининг Баҳодир Бердиев, Ғузор туманидаги Абдулла Турсунов номли жамоа хўжалигининг Урол Абдураҳимов, Илёс Абдужабборов, Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа-ширкат хўжалигининг Тошпулат Ҳамроев, Косон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Муҳиддин Шониёзов, Нишон туманидаги «Пахтаобод» жамоа-ширкат хўжалигининг Сайдулла Усмонов, Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли жамоа хўжалигининг Маҳмуд Исломбердиев, Китоб туманидаги Мелиқул Бобоев номли жамоа хўжалигининг Самад Отақулов, Муборак туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжалигининг Комил Искандаров, Яккабоғ туманидаги «Соҳибқирон» жамоа хўжалигининг Дустқобил Сангатов сингари пахтачилик бригадалари бошчилик қилаётган аҳил жамоа аъзоларининг меҳнат зафарларини тилга оламиз. Тажрибали пахтакорлар ҳосилдорликни 40-45 центнерга етказиб, эл олқишини қозонишди.

Қарши туманидаги «Ипак йўли» жамоа-ширкат хўжалигининг Розия Эркаева, Ғузор туманидаги «Истиқлол» жамоа хўжалигининг Норчучук Шукурова, Қамаши туманидаги «Ғиштли» жамоа хўжалигининг Ўғилой Дўстмуродова, Усмон Юсупов туманидаги «Янгиобод» жамоа-ширкат хўжалигининг Иқбол Ҳайитова сингари чевар теримчилари мавсумда 8-9 тоннадан пахта териб, вилоят хирмонининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Касби туманидаги Шароф Рашидов номли хўжаликнинг Шуҳрат Темиров, Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа хўжалигининг Ислом Расулов, Муборак туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжалигининг Ҳасан Жумаев, Нишон туманидаги Ҳамза номли деҳқонлар уюшмасининг Шомурод Ҳаққулов сингари механизаторлари мавсумда 100-150 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Касби туманидаги «Ғалаба» жамоа-ширкат хўжалиги механизаторлари машина теримни режасини ошириб бажардилар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар бункеридан тўкилди.

Айтмоқчи, қалби пахта ишқи билан тепаётган азаматларни қўлга киритишда хўжалик раҳбари Тош Аминовнинг муносиб ҳиссаси бор. Узининг ташкилотчилиги, талбиркорлиги, яхши хулқ-атвори, камтарлиги билан оқилона иш юритаётган бу раҳбар элимга, юртимга нафим тегсин, деган қутлуғ ниятни дилга тугиб қўйган. Одамларга гамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш борасида ҳам кўпчиликка ибрат. Хўжаликда одамларни ижтимоий ҳимоялаш бош масала қилиб қўйилган. Жамоа аъзолари ойлик маошларини ўз вақтида олиб туришибди. Илғорлар рағбатлантирилмоқда. Шу йилнинг узида жамоа аъзолари учун 700 тонна ғалла, 163 тонна ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатилди. Агар биз бу рақамларни пулга чақадиган бўлсак, унинг умумий миқдори 16 миллион сўмдан ошади. Вилоят хўжаликларида Тош Аминовга ўхшаш тадбиркор раҳбарларнинг кўплигини хурсандчилик билан айтиб ўтмоқчимиз. Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа хўжалиги раҳбари Муродулла Саидов, «Тошкент» жамоа хўжалиги раҳбари Бозор Қўчқоров, Касби туманидаги «Қашқадарё» жамоа хўжалиги раҳбари Яраш Муҳаммадиев, Яккабоғ туманидаги Меҳли Жуманов номли хўжалик раҳбари Журақобил Норқобилов, Амир Темур номли хўжалик раҳбари Неъмат Жумаев, «Узбекистон» жамоа хўжалиги раҳбари Файзулла Бердиев, Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги раҳбари Суюн Абдиев, Косон туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги раҳбари Саид Ҳусанов ва бошқа ўнлаб хўжалик раҳбарлари борки, биз бугунги кунда уларни ҳақиқий тадбиркор, жонкуяр, элпарварлар деб дадил айта оламиз.

1997 йилда Қашқадарё вилоят пахтакорлари меҳнатга алоҳида жасорат кўрсатаётирлар. Зафар маррасига биринчи бўлиб етиб келган Китоб, вилоятнинг улкан хирмонига салмоқли ҳисса қўшган Касби, Усмон Юсупов, Қарши, Қамаши, Ғузор туманлари пахтакорлари касбкорлик шаънини улуғламоқдалар. Косон ва яккабоғлик пахтакорларнинг ютуғи ҳам кишини қувонтиради. Ҳар иккала туманда йиллик пахта тайёрлаш режаси шараф билан бажарилди. Бир неча йилдирки, Косон туманида пахта тайёрлаш йиллик режаси ярим йўлда қолиб кетарди. Бу йил эса иш тубдан ўзгарди. Хирмонга 55 минг тонна ҳосил тўкилди. Бу бултургидан 10 минг тонна кўпдир. Ҳамма гап шундаки, туман ҳокимиятида янги раҳбарлар иш бошлади. Кўпгина хўжаликларда раҳбарлик вазифасига ишчан кадрлар тайёрланди. Бу эса ўз навбатида дала ишлари ривожини берди.

— Асосий масала шундаки, — дейди вилоят ҳокими Озод Пармонов, — Косон туманида одамларнинг ерга бўлган муносабати ўзгарди, улар ўзлари бажараётган ишнинг натижасига ишонч ҳосил қилишди. Ва муҳими одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди, ҳалол меҳнат қилиш ўз кучини кўрсатди. Одамларга пахтага бўлган меҳр ошди. Юксак хирмонимизга ҳиммат-ли қашарчиларнинг муносиб улуши бор. Биргина Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабалари хирмонига 2 минг тонна пахта тўкишди.

Яккабоғ тумани ҳақида икки оғиз сўз. Бу ерда сувнинг ҳар қатраси ғоят қадрли. Айрим пайкалларда усимлик икки марта сув ичади. Аслида ғўзани камида 4-5 марта суғориш талаб қилинади. Кам сув билан мўл ҳосил етиштирган яккабоғлик азаматларга офарин! 3000 гектар майдонда чигит қайта экилди. Ана шу майдонларга алоҳида эътибор берилди. Ҳар туп ғўза қалб кўри билан парвариш қилинди. Сув камлигини ҳисобга олган ҳолда ер ости сувларидан фойдаланилди. Ҳар бир хўжаликда артезиан қудуқлари ишлаб турди. Меҳнат тўғри ташкил этилганлиги сабабли ғўзалар ривожи соз бўлди. Серҳосил бўлиб усди. Туманда йиғим-теримга уюшқоқлик билан киришилди. Далада ишловчилар учун қулай шароит яратиб берилди.

Воҳада ҳамма пахта йиғим-теримига деган ёзувлар ҳар қадамда учрайди. Қайси идорага борсангиз шу сўзлар кўзга ташланади. Бу нима? Расмиятчиликми? Йўқ, ундай эмас. Булар дилдан чиқариб ёзилган. Куни кеча вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бўлганимизда ҳам шу манзарага дуч келдик. Раҳбарларни даладан топасиз, дейишди.

— Ҳозир ҳамма пахтакор, — деди бошқарма кадрлар бўлими бошлиғи Январ Иноятов. — Ҳозир ўзим ҳам пахта даласига кетаётгандим. Кўриб турибмиз, автобусларда одамлар тўла. Улар жамоамиз аъзолари. Косон туманида пахта теришаяпти. Бугунгача 300 тонна пахта хирмонга тўкишди.

Арғамчига қил қувват! Тома-тома қўл бўлади. Илоё, томмай қолмасин. Пахтакорларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган бу ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун курашаётган қашқадарёликларга табиат ҳам кулиб боқаяпти, уларни меҳнатга чорлаб, ҳосилнинг сўнгги мисқоли ҳам ерда қолмасин деяётгандай! Табиатнинг бу даъватига вилоятнинг ёшу қариси лаббай, деб жавоб беришаяпти. Ҳадемай 440 минг тонналик хирмон қад кўтаради.

— Ғаллакорларнинг меҳнат ютуқлари ҳам салмоқли, —дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг раҳбари Мусо Муродов. — Бултур тайёрланган дон 341 тоннани ташкил этган эди. Инсон манфаатлари йилида 475 минг тонна дон тайёрланиб, унинг 316 минг тоннаси давлат буюртмасига топширилди.

Хирмонга кўп ғалла тўкилган сайин даромад ҳам кескин оппоқда. Бултур ғалладан олинган даромад 1 миллиард 137 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу рақам 1997 йилда 2 миллиард 826 миллион сўмдан ошди.

Вилоятимиз хирмонига барака киритган Чироқчи, Қарши, Касби, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Усмон Юсупов ва бошқа туманларнинг ғаллакорларига миннатдорчилик билдирамиз. Биргина чироқчилик ғаллакорлар ўзига хос мактаб яратдилар. Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли жамоа хўжалигида 500 гектардаги ғалланинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олинди. Бундай илғор ғаллакорлар бошқа туманларда ҳам бор. Бу йил ғаллакорларимиз белни янада маҳкам боғлашган. 152 минг гектар сувли майдонга ғалла экиб бўлинди. Кўпчилик май-донлар ям-яшил майсаларга бурканди. Келгуси йили камида 500 минг тонна дон йиғиб олиш кўзда тутилган.

Бозор ЭРҚОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Мавсум илғорлари. 1. У. Юсупов тумани «Жейнов» жамоа ширкат хўжалиги механизатори Сиддиқ Қиличев. 2. Баҳористон туманидаги С. Муродов номли жамоа хўжалиги 1-ширкат звено бошлиғи Қаҳрамон Қорёғдиев, механизаторлар Рўзи Файзиев, Қурбон Ҳамроевлар ўзаро фикрлашмоқда. 3. Чироқчи туманидаги Ш. Шоимов номли 6-мактаб ўқувчилари Моҳира Маҳманазарова ва Ҳатия Пардаевалар. 4. Махтумқули номли 34-жамоа ширкат хўжалиги илғор теримчилари (чапдан) Наргиза Жўраева, Онамжон Бойтўраева, Гулабза Узоқова, Сабоҳат Боймурадовалар пахтазорда. 5. Косон туманидаги «Гулбоғ» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Ҳасан Чориев отаси, кекса пахтакор Мурод Чориев билан. 6. Шу тумандаги А. Набиев номли жамоа хўжалигининг илғор теримчиси Гулчеҳра Қоржовова.

Ш. Шаропов, З. Раҳматуллаев, Ш. Нарзиев, Л. Нарзуллаев, М. Комилов олган суратлар.

САФАРБАРЛИК САМАРАСИ

Искандар УСМОНОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими муовини

Вилоятимиз пахтакорлари астойдил меҳнат қилдилар. Давлатга бугунгача 250 минг тонна оқ олтин етказиб берилди. Бунга эришишда илғорлар иш услуби, тажрибасини кенг ва дадил қўлладик. Пахтага ажратилган ерларнинг 19,1 минг гектарида Андижон технологияси асосида ғўза парваришлаб, ёмон бўлмадик.

Иқлим шароити бироз салқин бўлган вилоятимиз майдонларига пахтанинг тезпишар навларидан «Қирғиз-3», «Фарғона-3», «Оқдарё-5», С—9070 экилди. Баҳорда ёғингарчиликнинг нисбатан кўп бўлиши, баъзи жойлардаги сел ва дўл ишимизга бирмунча халал берди. 13,5 минг гектар пахта майдонини бузиб, қайта экишга тўғри келди. Шунда андижонликлар усули қўл келди. Плёнка остига экилган чигит одатдагидан 15—20 кун аввал пишиб етилиши терим мавсумини эрта бошлаш имконини берди. Вегетация даврида ғўза қатор ораларига ишлов беришда янги усул қўлладик. Дастлабки культивация чуқур, қолганлари аста-секин юзадан қилинди.

Ишлов бериш, суғориш, озиқлантириш тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишда техниканинг алоҳида ўрни бор. Йил бошида 80 та МТЗ ва 356 та бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг олинганлиги айни муддао бўлди. Шу сабабли кўпгина хўжалик ва бригадаларда 30—35 центнердан ҳосил қутарилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун аввало ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Бу соҳада кўп синалган тажрибалар бор. Шулардан бири оилавий пудратдир. Бироқ бу соҳада ҳам деҳқонга эркинлик бериш, унинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини таъминлаш шарт. Шундагина у бутун фикру зикри, тажриба-ю, маҳорати, меҳнати ва куч-ғайратини ердан унумли фойдаланишга, кам харажат қилиб, кўп ҳосил олишга сафарбар этади. Ерни ижарачига беш-ун йил муддатда хатлаб бериш, бу эса шартнома билан мустаҳкамланиши керак.

Шунингдек, деҳқон (фермер) хўжаликлари хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Уларнинг мустақиллигини таъминлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш, ҳосилдорликни юқори кўтариш омили эканлигига жорий йилдаги фаолиятимизда амин бўлдик. Жумладан, пахтачилик билан шуғулланаётган 512 та деҳқон (фермер) хўжаликларининг аксариятида ҳосилдорлик жамоа хўжаликларига нисбатан 10—15 фоиз юқори бўлди.

Айни пайтда вилоятда 17 машина-трактор парки фаолият кўрсатмоқда. Улар тасарруфида 1368 та ҳайдов, жумладан, 48 та «Магнум» ва 40 та чопиқ тракторлари, 862 та ғалла ўриш комбайнлари, 13 та «Морал» русумли емхашак ўриш техникаси бор. Бироқ ер майдони ва бажариладиган иш қуламига кўра вилоятда техника танқислиги сезилмоқда.

Пайчилар жамиятлари ҳам меҳнатни ташкил этишнинг самаралор усулларидан бири эканлиги амалий исботини топди. Масалан, Нарпай туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги пайчилар жамиятида 3030 тонна пахта, 952 тонна ғалла, 54 тонна сабзавот, 11 тонна картошка, 21 тонна полиз, 162 тонна мева ва 46 тонна сут етиштирилиб, режалар ошиғи билан уддаланди. Барча экин турлари буйича ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик ҳам ўтган йилга қараганда кўпайган. Жорий йилда ҳам ушбу жамият вилоятда биринчилардан бўлиб, йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. «Ғалаба» ёпиқ турдаги пайчилар жамиятининг ўтган йилги жами олган соф фойдаси 5 миллион 700 минг сўмни ташкил қилиб, бу 1995 йилдагига қараганда 2 миллион 700 минг сўм кўп деганидир.

Жомбой туманидаги «Жомбой» ёпиқ турдаги пайчилар жамияти тўғрисида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Пахтачи, Нуробод, Пастдаргом, Иштихон, Жомбой туманларининг аҳлига вафодор меҳнаткашлари ғайратига тасаннолар айтиш лозим. Пахтачи туманидаги «Оқтепа», Ш. Назаров номли, Пастдаргомдаги М. Дангалов номли, «Янгиобод», Иштихондаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжаликларида йиғим-терим мавсуми зарбдорларча ва сифатли ташкил этилди, натижада йиллик режа муддатидан илгари адо этилди. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан ҳам, режага нисбатан ҳам юқори бўлди.

Бугунги кунда ҳам режага қўшимча оқ олтин топшираётган туманлар ва хўжаликларда терим сўрғати пасайгани йўқ. Бу борада Пахтачи тумани пахтакорларининг вилоятдаги барча меҳнаткашларга мурожаати, шу асосда зарбдор 20 кунлик оммавий сафарбардик эълон қилинганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Албатта, қуруқ чақириқ билан кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Бунда яратувчанлик, бунёдкорлик ҳиссиёти жўш урган марду майдон пахтакордар ғайрати, терим даврида моддий манфаатдорликнинг оширилиши, муҳим омилдир. Вилоят ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан ташкил этилган ташвиқот бригадалари томонидан қўрсатилган концерт дастурлари, жойларда ташкил этилган савдо ва маиший хизмат деҳқон ва ҳашарчилар ғайратига ғайрат қўшди, зарбдор меҳнатга руҳлантирди.

Терим мавсуми ҳақида гапирар эканмиз, пахтачиликлар чақиригига лаббай деб жавоб бериб, енг шимариб пахтазорга отланган шаҳарликлар, Самарқанд Давлат Университети, Тиббиёт ва Кооператив институтлари, савдо, молия коллежлари, озиқ-овқат, саноат, сув хўжалиги ҳамда тиббиёт техникумлари талабалари, лицейлар, мактаблар юқори синф ўқувчиларининг ҳамда Самарқанд, Ургут, Тайлоқ, Булунғур, Қўшработ, Нуробод туманлари меҳнаткашларининг умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиб, улкан хирмонга қўшган улушларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ҳали далаларимизда ҳосил мул. Пешона тери эвазига яратилган пахтамизнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай териб олиш бугунги кунда самарқандлик пахтакору ҳашарчиларнинг азму қарори, аҳду паймонига айланган. Шу боис терим сўрғати бир зум ҳам сусайгани йўқ. Қолаверса, бу Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчимиздир.

РЕЖА 135 ФОИЗ

Илҳом ХОЛЖИГИТОВ,
Иштихон туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи

Ғўза парваришидаги нозик жиҳатлар, ҳар бир тадбирнинг ўз вақтида адо этилиши биз қуйи звено раҳбарларидан алоҳида талабчанликни талаб қилади. Шу боис экин парваришини илғор тажрибаларга таяниб, экилган нав тўғрисида берилган мутахассислар маслаҳати асосида олиб бордик. Бироқ, деҳқон кутилмаган синовларга сув танқислиги, табиат хуружи, техника ёки ёнилғи-мойлаш материалларининг етишмаслиги каби муаммоларга доим тайёр туриши лозим. Баҳона билан иш битмайди. Буларнинг барчасини зарбдор меҳнат, тадбиркорлик билан енгиш мумкин. Буни беш йиллик иш тажрибамда кўп синаганман.

Баҳорда 55 гектар майдонга чигит экдик. Ҳар бир гектар ҳисобига 28 центнердан ҳосил олишни кўзлагандик. Натижа кутилганидан зиёда бўлди. Шу кунгача давлат қабул пунктларига 209 тонна хом ашё топшириб, йиллик режани 135 фоизга етказдик. Ҳосилдорлик 38 центнерданга тўғри келди.

Хўжалигимизда мавжуд 470 гектар пахтазордан 1500 тоннага яқин ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ердан 31,6 центнердан ҳосил кўтарилди. Топшириқ 114 фоизга етди. Айни кезларда режага қўшимча пахта топширяпмиз.

МЕҲНАТГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Гулчеҳра ШОНАЗАРОВА,
Паст Дарғом туманидаги «Найманобод» ширкати аъзоси, теримчи

Кўп йиллардан бери Амир Темур номли ширкатлар уюшмасига қарашли «Найманобод» ширкатида меҳнат қилиб келаман. Чигитни экишдан тортиб, ҳосилини йиғиштириб олишгача бўлган барча юмушларда қатнашаман. Касбимни жон-дилимдан севаман.

Бу йил етмиш гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Натижа дуруст. Гектаридан 28 центнердан ошириб оқ олтин йиғиштириб олдик. Менинг ўзим уюшмамизнинг 1950 тонналик хирмонига 6 тонналик улуш қўшдим.

Йиғим-теримда фаол қатнашиб, самарали ишлаганлигим учун обрў-эътибор топдим, мўмайгина даромад ҳам қилдим. Терилган 6 тонна пахта учун 21 минг сўм олдим. Айни кунларда ҳар кило пахтага 4 сўмдан пул беришяпти.

Вилоятимиз пахтакорлари бугун йиллик маррани забт этишган экан, бу улкан хирмоннинг бунёд бўлишида менинг ҳам арзимас улушим борлигидан мамнунман. Пайкалларда ҳали пахта бор. Шуни ҳисобга олиб, барча тенгқурларим, ҳамкасбларимга унинг охирги мисқолини ҳам нес-нобуд қилмасдан териб олиш зарурлигини уқтираяпман. Бу ишда ўзим намуна кўрсатишга ҳаракат қилаяпман. Ахир биргина уруғни пахта қилгунча қанча заҳмат чекмадик, қанча қийналмадик. Қолаверса килограммлар, тонналар мисоллардан бунёд этилади.

Кейинги йилларда машина теримига эътибор сусайганини кўп ўйлайман. Нега туманимиз, вилоятимиз пахта терими ҳақидаги маълумотларда машина терими тўғрисидаги рақамлар берилмай қолди. Президентимиз олимларимизни янги турдаги машиналар ихтиро қилишда оқсаётганлигини очиқ ва аччиқ қилиб айтди. Техника тараққиётига эътибор берилмас экан, олга силжиш қийин кечаверади.

Ҳеч бўлмаса бола-чақаларимиз тузукроқ шароитда яшаши ва меҳнат қилишига замин ҳозирлайлик. Бугунги фикру-ўйимиз эса республикамизнинг чўнг хирмонини тезроқ бунёд этишдан иборатдир.

ТЕХНИКА ҚУДРАТИ

Тошмамат ҚУВВАТОВ,
Нарпай туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги механизатори

Сирасини айтганда баҳорнинг серёғин келиши туфайли чигит экиш мавсуми бироз чўзилди. Уруғ кеч экилди. Натижада қусаклар пишмай қолди. Тўғри, ҳамма айбни табиат инжиқликларига ағдариб қўйиш ҳам ноўрин. Астойдил ҳаракат қилинса, бой тажрибалар қўлланилса миришкорлар кўзлаган ҳосил унади. Табиат ҳар йили турлича келиши эса деҳқон учун синов.

Жамоа хўжалигимиз деҳқонлари 850 гектар майдонда оқ олтин етиштирдилар. Ҳозир мавсум қизғин паллага кирган. Мавсумда икки қаторли терим машинасида пахта териб, хирмонга қарийб 100 тонна улуш қўшдим. 22 йилдан бери терим машинаси рулидаман. Рафиқам Розия Маҳмудова эса 15 йилдан бери бригада стакчиси. Режани бажармаган йили йўқ. Биз оиламиз билан вилоятимизнинг 250 минг тонналик пахта хирмонига ўз улушимизни қўшаётганлигимиздан мамнунмиз.

МАРДЛАР САФИДА МАРДОНА САМАРҚАНД, ФИДОЙИ ДЕҲҚОНИ, ДУРДОНА САМАРҚАНД!

Вилоят заршуносларн эришган улкан ғалабага кўп қатори Нарпай туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва Пахтачидаги Абдуазиз Аллаёров номли хўжалик аъзолари ҳам салмоқли улуш қўшдилар. Марра эгалланган бўлса-да, ушбу жамоалар далаларида ҳам йиғим-терим жадал давом этаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Оқ олтин хирмон-хирмон. 2. «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти илғор бригада бошлиғи Муҳаммад Рўзиев механизатор Норқобил Каримов билан мавсумнинг бориши ҳақида суҳбатлашишмоқда. 3. А. Аллаёров номли жамоа хўжалиги пахтазорларидаги серғайрат теримчилар.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар (ЎзА).

САДОҚАТ МЕВАСИ

Бердиали БЕРДИМУРОДОВ,
Пахтачи тумани ҳокими

Ҳар қандай муваффақият замирида машаққатли меҳнат етади. Айниқса, пахта меҳнати бошқа соҳаларга нисбатан мураккаб ва мушкулроқдир. У инсондан фидокорлик талаб этади.

Кузланган мақсадга эришиш учун биз режали иш юритиб, тараддудни кўздаёқ бошладик. Бекорга ота-боболаримиз «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» дейишмаган. Ҳақиқатан ҳам кўзда шудгорланмаган ерни юз бор ҳайдаган билан фойдаси йўқ. Бултур кузги шудгорга алоҳида аҳамият бердик. Гектарига 60-70 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, тупроқ таркиби бойитилди. Шу асосда 7 минг гектардан зиёд майдонда нам заҳираси тўпланди.

Айни барака уруғи қадаладиган дамларда табиат деҳқонларимизни мураккаб синовларга дуч қилди. Уша паллада 12 марта дўл ёғди. Кутилмаганда ёғингарчиликлар деҳқонларимизга оз мунча ташвиш тўғдирмади. Бошидан кечирган кишигина буни ҳис қилиши мумкин. Хуллас, табиат синовларига дош берган азамат деҳқонларимиз вақтида уруғни саралаб қорилаб олишди. Далаларимизга асосан «Фарғона—3», С—6530 навлари экилди. Шунингдек, синов тариқасида «Меҳр», «Қибрай—4», «Оқдарё—6», «Навбаҳор» ва «Юлдуз» навлари кичик майдонларда ўстирилди. Пахтачиликда андижонликлар усулининг самарадорлигини ўрганиб, 20 та мослаштирилган сеялка сотиб олдик. Қўш қаторлаб чигит экиладиган майдонлар ўтган йилгидан 2400 гектарга кўпайтирилди. Бошқача айтганда, умумий пахта майдонининг 2 минг гектар майин тупроқли ерига плёнка остига чигит экилди. Экин мавсуми 20 апрелда тугалланди.

Чигит униб чиққанда бегона ўт ҳам ўса бошлади. Туман рузномаси орқали аҳолига мурожаат қилиб, оммавий сафарбарликка чорладик. Кўпдан қўен қочиб қутулмас, деганларидек, қалб қўримизни бахшида этаётган ғўзамиз хавф-хатардан халос этилди. Парвариш жараёни ҳам илғорлар иш тажрибаси ва мутахассислар маслаҳати асосида олиб борилди. Гектарига 300 килограммдан фосфорли, 200 килодан азотли ва 250 килодан калийли ўғит берилди. Ғўза қатор ораларига «шарбатлаб» сув оқизилди. Натижада ҳар гектарда ўртача 93 минг тупдан ниҳол бўлишига эришдик. Ҳосил бўлиқ бўлди. Озуқага тўйиниб, барги қалин ғўзалардаги қусакларнинг очилиши сусайди. Терим сўрғатини бушаштирмаслик мақсадида ҳар бир даладаги ҳосилнинг ҳолатига қараб ғўза баргларини суньий тўкитиришга киришдик. Бу тадбир асосан Зарафшон дарёсига яқин жойларда, 6 минг гектар майдонда ўтказилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августдаги «1997 йил пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мавсумга пухта ҳозирлик кўрган туманимиз пахтакорларига кўтаринки руҳ бағишлади. Хўжалик раҳбарлари, мутахасислар, бригада ва звеноларнинг етакчилари, кекса пахтакорлар иштирокидаги йиғилишда ушбу масала кенг ўрганиб чиқилди ва уни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Теримчиларга қулай меҳнат шароитлари яратилиб, ҳар беш кунда терган пахтаси пули тулаб борилди.

Йиғим-теримнинг оммавий сафарбарлик асосида ташкил этилиши туфайли йиллик режани муддатидан олдин уддаладик. 34220 тонналик хирмоннинг бунёд этилишида тумандаги «Оқтепа», «Навбаҳор», «Деҳқонобод», «Зиёвуддин», Р. Маҳманов, Ш. Қаҳҳоров ва Ш. Назаров номли хўжаликларнинг қўшган улушлари катта бўлди.

Ўртача ҳосилдорликни 60-65 центнерга етказган Ш. Курбонов, Д. Камолов, Р. Турдиев, Н. Халилов, У. Аширов, Л. Шайманов, Х. Орзиқулов сингари бригада бошлиқлари номини алоҳида тилга олсак арзийди. Мавсумда 5—6 тоннадан оқ олтин терган Гулноза Қаршиева, Нигора Ҳакимова, Шоҳсанам Рузимуродова, Нурхон Бобоқулова, Моҳира Тоғаева каби юзлаб чеварларимизнинг меҳнатига тасаннолар айтамиз. Шу билан бирга жорий йилги мавсумда туманимизнинг корхона-ташкилотлари, Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ишчи-хизматчилари, талабалар фаол қатнашиб, бунёдкорлик ишимизда катта кўмак беришди.

Бултурги даромадимизга 200 та янги трактор ва агрегатлар сотиб олгандик. Жорий йилда яна 200 та олиш ниятимиз бор. Зеро, қўлга киритилган ушбу муваффақиятларимизда техника хизмати муҳим омил бўлди. Айни кезларда йиғим-терим сўрғатини сусайтирмаган ҳолда келгуси йил ҳосилига ҳам тараддудни уюшқоқлик билан олиб боряпмиз. Дон экиш тугалланди. Пахтадан бушаган майдонларни шудгорлаш жадал бормоқда.

ЧЎЛ ЧАМАНИ

Суюн ЗИЁДОВ,
Ғўзалкент туманидаги Жониқул Юсупов номли жамоа хўжалиги раиси

Хўжалигимиз пахта илмининг таниқли устаси, Меҳнат Қаҳрамони Жониқул Юсупов номи билан юритилишининг ўзи чўлда ҳам мўл оқ олтин яратишдек муқаддас ишда зиммамизга катта масъулият юклайди. Шу боис, ғўза парваришидаги ҳар бир юмушни устоз яраттан тажриба, айтган ўгитлари асосида олиб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, жамоа хўжалигимизда у кишининг издошлари, шогирдлари кўп. Шу важдан бу ерда пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган.

Биз 1275 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Бу йил амалиётда муваффақиятли синовдан ўтган Андижонча усулда 100 гектарга плёнка остига чигит экдик. У ердан гектаридан 32 центнердан ошириб ҳосил олинди. Унинг тез пишиши бизга қўл келди. Далаларимизга тезпишар «Қирғиз-3» навли чигит экканимиз. Қатор ораларига етти марта сифатли ишлов бериб, беш бор қондириб суғорганимиз ва маромида озиқлантирганимиз мўл ҳосилга омил бўлди. Йиллик пахта тайёрлаш режасини 21 октябрь куни уддалаб, давлатга 3010 тонна чўл дурдонаси армуғон этдик.

Чўл дурдонаси деганимнинг боиси бор. Туманимиз вилоятдаги энг кенжа туманлардан бўлиб, экин майдонларимиз бундан бир неча йил бурун ўзлаштирилган янги ерлардан иборат. Аҳоли сонига нисбатан ер майдонимиз кўп. Шундай бўлса-да, чўлқуварлар техника кучидан омилкорлик билан фойдаланган ҳолда барча ишга ўлгуришаяпти. Ҳар гектар пахтазордан 35-40 центнердан ҳосил кўтараётган Абдулла Умаров, Рустам Зиёдов, Парда Жуманазаров сингари тажрибали бригада бошлиқлари номини ҳар қанча улуғласак оз. Умуман хўжалигимизда 15 та пахтачилик бригадаси бўлиб, ҳаммаси ваъдаларининг устидан чиқишди. Етиштирилган ҳосилни сифатли териб олишда Малика Зиёдова, Сайёра Бердиқулова, Муҳаббат Ўмарова сингари чевар теримчилар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Кунига юз килограммдан ошириб пахта терган бу теримчиларимизнинг ҳар бири ҳозиргача 7—8 тонналик хирмон бунёд этдилар.

Юқорида айтганимдай мўл ҳосилга пухта замин яратишда техникадан унумли фойдаландик. Ерни тайёрлашдан тортиб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган юмушлар ўз вақтида ва сифатли адо этилишида механизаторларимиздан Жамол Халидов, Тошниёз Авезов, Рўзиқул Холмуродовларнинг алоҳида ҳиссалари бор. Улар ғўза баргини сифатли тўкишдек масъулиятли ва мураккаб юмушда фаол қатнашдилар.

Йиғим-терим мавсумида бизга беқиёс ердам кўрсатган Самарқанддаги 1-педагогика билим юрти талабаларига ҳам чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Улар 800 тонна дур териб беришди. Ҳозирги кунларда ҳам талаба ўғил-қизларимиз пахтакорлар билан елкама-елка туриб, етиштирилган пахтанинг сўнгги чаноқларигача териб олишда камарбасталик қилишяпти.

ҲАМИША КЎМАКДОШМИЗ

Саломат ШУКУРОВА,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни талабаси

Эгнимиздаги уст-бош, ейдиган таомимиз, кундалик эҳтиёжимизга зарур маиший ашёлар пахтадан яратилар экан, уни териб олишда қатнашиш ҳамма учун, жумладан биз талабалар учун ҳам муқаддас бурч, ота-оналаримиз олдидаги қарзимиз ва фарзимиздир.

Дорилфунунимизнинг 2 мингдан зиёд толиби илмлари виждон амри билан пахтазорга отландик. Биз учун бу ерда етарли шарт-шароит яратиб берилди. Ётоқ жойимиз яхши, иссиқ овқат билан мунтазам таъминланиб турибмиз. Савдо, тиббий ва маиший хизматлар кўрсатилаяпти. Талабаларимизнинг ҳар бири кунига ўртача 50-80 килограммдан жавоҳир теришяпти. Шу кунгача жами уйган хирмонимиз 3,5 минг тоннадан ошди. Бу борада география куллиёти 1-босқич талабаси Шаҳло Жўраева, амалий математика ва информатика факультети 2-курс толиби Одил Пўлатов, физика куллиёти 5-курс толиби Зафар Жўрақобилов сингарилар кунига 100 килограммдан ошириб пахта териб, барчага намуна бўлаётир.

Ҳашарда фаол қатнашаётганимиз учун яқинда дорилфунунимиз талабалари Олий таълим вазирлигининг катта миқдордаги пул мукофотини олишга муваффақ бўлдилар. Бу эса чарчоқларимизни ёзиб юборди. Биз қадоқ қўлли заршуносларнинг пешона тери, қалб қўри билан етиштирилган оқ олтиннинг сўнгги мисқолларигача териб олишга кўмаклашамиз.

Саҳифани «Қишлоқ ҳаёти» мухбири Ҳ. ҲАМРОЕВ тайёрлади.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

Тарихимиз зарварақлари

Улкамизда табаррук ва фусункор масканлар, қадамжолар, бир-биридан чиройли ва гўзал гўшалар бениҳоя кўп. Бундай жойларнинг ҳар бири ўзига хос, аксарияти азиз-авлиёлар, шайхлар, пирлар, дин арбоблари, тариқат илми билимдонлари номлари билан аталади.

Шундай муътабар жойлардан бири Занги ота тасаввуфнинг йирик таълимотига айланишида жуда улкан хизматлар қилган. Алишер Навоий «Насоимул - муҳаббат»да у киши ҳақида: «Боязид Бистомий — аввалқи табақадиндур. Оти Тайфур бинни Исо Аҳмад Хизравия... Тарих икки юз олтмиш бирда оламдан ўтди», — деб ёзади. XVIII асрда яратилган «Тазкиратул авлиёи туркий»да Бистомийга шундай таъриф берилади: «Ул султонул рифин, ул бурҳонил муттаҳин, пири вақт шайх Боязид Бистомий ул вақтнинг авлиёлари ва машойихларининг улуғи эрди. Ва халифаи барҳақ ва қутби олам эрди. Тўла риёзатлар тортқан ва бисёр каромат лари бордур», Дарҳақиқат, адабиётшунос Икромиддин Остонақулов таъкидлаб ўтганидек, Қуръону ҳадисни тўкис ўрганиб, суфийликнинг шариат, тариқат ва муҳаббат, ҳақиқат босқичларини босиб ўтиб фақру фоно мақомига етган Боязид Бистомий тавҳид асрорини баён этишда ўз даврининг ягонаси бўлган.

Шундай бир далил диққатга сазоворки, юқорида қайд этилган Бостонбува қишлоғининг номи Қўқон хонлиги архиви ҳужжатларида Султон Бояз Бистомий шаклида учрайди. Асримизнинг биринчи чораги ичида тузилган аҳоли пунктларининг рўйхатларида баъзан Султон Баёз, баъзан Султон Баёз Бастомий тарзида ёзилган. Англашиладики, вақтлар ўтиши билан Султон Боязид Бастомий топоними қисқаришга учраган, ихчамлашган. Номнинг сўнгги қисми — Бастом сўзига бобо сўзи қўшилиб, Бастомбува, сўнгра Бостонбува шаклида айтиладиган бўлган.

Бостонбува — Қўқон гуруҳи туманлари аҳолисининг энг муқаддас, зиёратгоҳ жойларидан бири ҳисобланади. Бу ерга келган хаста беморлар дардларига шифо топадилар. Оёғи, бели оғриганлар Бостонбува қумига тушиб, дардларидан халос бўладилар. Бостонбувада ҳар йили ёз мавсумларида халқ сайиллари утказилади. Бу муқаддас масканга ташриф буюрган ҳар бир киши ўзини енгил ҳис этади, руҳи, кайфияти кўтарилади.

Қорақалпоғистон ҳудудида Султон Увайс деб аталувчи улкан тоғ бор. Бу тоғ бутун мусулмон оламида шуҳрат топган, машҳур авлиё Султон Увайс Қараний номи билан юритилгандир. Султон Увайс — улуғ аждодимиз, увайсия тариқатининг асосчисидир. Ҳазрат Алишер Навоий «Насоимул - муҳаббат» асарида бу муътабар зотга ярим саҳифалик матн бағишлаганлар ва жумладан шундай деб ёзганлар: «... Увайс Қараний эҳсон ва меҳрибонлиги билан тобинларнинг яхшисидир».

Султон Увайс тоғи кўксида бу зоти шарифга урнатилган ёдгорлик мақбараси қад кўтарган. Бу ерга ташриф буюрган араблар, эронлар, турклар зиёратгоҳда ҳатто йиллаб қолиб кетишган. Инқилобгача мақбара ёнида Хива хонлигининг қорихонаси бўлиб, қорилар кечаю кундуз Султон Увайс бобо руҳларига Қуръон тиловат қилиб туришган.

Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги яна бир гўша Пошшопирим деб юритилувчи жой ҳам халқимиз меҳр ва эътиқод қўйган табаррук қадамжолардан саналади. Бу муқаддас, пурфайз масканпайғамбарларимиз авлодларидан бўлган Шоҳ Жалил (Шоҳ Жарир) номлари билан аталган. «Сафед Булон қиссаси» асарида баён қилинишича, Шоҳ Жарир Мадинадан Ўрта Осиёга, жумладан Фарғонага келиб, халқ орасида ислом динини тарғиб қилиш, ёйиш иши билан шуғулланганлар. Кишиларни ислом динига киришга даъват этганлар. Шоҳ Жалил мозори кейинчалик у кишининг номлари билан аталиб, зиёратгоҳ маконга айлантирилган.

Таъкидлаш лозимки, Шоҳ Жалил топоними Қўқон тарихига оид манбаларда, ҳужжатларда Ҳазрати Шоҳ Жарир, Ҳазратшоҳ, Ҳазратшо кўринишларида ҳам учрайди. XIX аср тарихчиси Мирзоолим Мушрифнинг «Қўқон хонлиги тарихи» (Тошкент, 1995) асаридан олинган ушбу жумлалар фикримизга ёрқин далилдир: «Ул кун қипчоқлар зафар топиб, қўшларида фароғоат бирла ётдилар. Эрта бирлан отланиб, даредин ўтуб, Ҳазрати Шоҳ Жарирга қўндилар... Ул кеча неча сўқум ва қўй сўюб, худойи қилиб, дуои фотиҳа қилиб, ҳазрат мозори файзосардин мадад ва истионат тилаб, эрта билан отланиб Туқайтепа устига бориб қўндилар...» «... Жамоат бўлиб Балиқчига бориб, Мусулмонқулни қуруб мулоқот қилдилар... Анди кўчуб Гўргтепа қўндилар. Эрта билан кўчуб, мозори шариф Ҳазратшоҳга қўндилар. Неча сўқум ва қўй сўюб худойи қилдилар ва хатми қурьон қилиб, ҳазрат мазори файзосорнинг руҳи шарифларига бағишлаб мадад, истионат тилаб, кўчуб, Майда юлғун деган шаҳарни қутб тарафида бир мавзеъга тушгилар». 1909 йили нашр этилган аҳоли пунктларининг рўйхатида мазкур муқаддас жойнинг номи Ҳазратшо Подшо тарзида ҳам қайд этилган. Ерли аҳоли ушбу манзилгоҳни ҳозирда асосан Пошшопирим деб атайди. Бу даргоҳ Пошшопирим номи билан эл орасида машҳурдир.

Хуллас, республикамизда, хусусан Фарғона водийсида шаҳслар номлари билан аталувчи муқаддас қадамжолар кўп. Улар сирасига яна Бешариқ туманидаги Умматбува, Данғара туманидаги Хўжа Абутороббува, Учқуприк туманидаги Валиширим, Наманганда ги Мавлонбува, Марғилондаги Пир Сиддиқ, Хўжамағиз, Андижондаги Бобо Саъдиддин, Хўжаобод туманидаги Қамбарота зиёратгоҳларини киритиш мумкин. Бу муборак масканлар кишиларни эзгуликка, диний ва тарбиявий юксакликка чорлайди, доимо ҳалол ва пок бўлишга ундайди.

Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Бунақаси аввал бўлмаганди. Тўрақўрғон туманидаги «Оҳангарон» трактор таъмирлаш ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари ёз ойида, айни қуёш еру осмонга олов пуркаган бир пайтда барча ишчиларга бир ойлик таътил бериб, уларнинг турли шаҳарларга саёҳат уюштиришлари ҳамда дам олиш масканларида ҳориқ чиқаришлари учун имкон яратиб бердилар.

Умуман, бу ерда бутун иш инсон манфатлари замирига қурилган. Ишчилар икки сменада ишлашади. Жамият ўзининг100 ўринли боғчасига эга. Бир гектар жойда боғ яратилган бўлиб, ишчилар қишин-ёзин ноз-неъматлардан баҳраманддирлар. Улар саломатлигини кўзлаб бунёд этилган теннис корти ҳамиша гавжум.

Корхона қошида ошхона, нон маҳсулотлари ва тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Зеро, меҳнат унумдорлиги ҳам яратилган шароитга яраша бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапда) боғбон Ўғилой Ўринова, булочкапаз Марҳабо Раззоқова ва теннис корти.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

Қутлаймиз

Қадрли Ғафур Отабоев!

Сизни муборак етмиш ёшингиз муносабати билан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси, барча ҳамкасбларингиз, устозу шогирдларингиз номидан ўлланаётган ушбу самимий табрикномани қабул қилинг. Мамлакатимиз агросоаноат мажмуи ходимлари Сизни деҳқончиликнинг етук билимдони ва тажрибали мутахассиси сифатида яхши биладилар ҳамда қарийб ярим асрдан бери шу тармоқни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келаётганлигингизни эътироф этадилар.

Сиз эллик йил давомида далачилик агрономи мутахассислигидан йирик илмий-тадқиқот институти раҳбарига-ча булган қийин ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигингизни, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотларни адо этганлигингизни ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишига раҳбарлик қилганлигингизни кенг жамоатчилик яхши билади ҳамда меҳнатларингизни доимо қадрлайди. Узоқ йиллар давомида Узбекистон галлачилик илмий-тадқиқот институти, «Узсортсемпром» бирлашмаси сингари йирик ташкилотларга раҳбарлик қилганлигингиз, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олганлигингиз, кўплаб орденлар, медаллар билан тақдирланганлигингиз, бир қатор ихтироларнинг муаллифи бўлганлигингиз бундан далолат беради.

Сиз учун ғоят қувончли кунда муборакбод этар эканмиз, келгуси илмий ишларингизда катта муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Тошкент вилояти Зангиота тумани, Эркин қишлоғидаги катта хонадонингизда доимо тинчлик-хотиржамлик, қут-барака булишини ният қилиб қоламиз.

АЖОЙИБ, ҒАРОЙИБ

Жанубий Америкада селагинелла деган антиқа ўсимлик ўсади. У қурғоқчилик даври келиши билан илдизларини ердан суғириб олиб, жажжи бўғирсоқдек юм-юмалоқ шаклга киради ва ўзини шамол ихтиёрига топширади.

Шамол ёрдамида нами етарли жойга келгач, дарҳол илдизларини ёйиб яна ерга боғланган ўсимликка айланади. Бироқ қурғоқчиликни сезиши билан, тағин шаклини ўзгартириб, саёҳатини давом эттиради.

* * *

Гавай сувларида яшайдиган «боксчи» краб қисқичида тирик анемонани олиб юради ва унинг ёрдамида ўз қариндошларига қарши курашади. Заҳарланган душмани ёки ўлжасини краб анемона билан баҳам кўради.

* * *

Япон ороллaридан бири — Мияшимода антиқа қарағай ўсади. «Аждар соқоли» деб аталадиган бу дарахтнинг бўйи ярим газдан ортиқ, лекин ер бўйлаб ёйилиб кетган қалин бутоқларининг узунлиги ўттиз метрга етади.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

СУВИ ДАВО, ҲАВОСИ ШИФО

Ўзбекистонлик болаларни, ёшларни энг имтиёзли тоифа десак ҳақиқат мезонини бузмаган бўламиз. Университетлар, институтлар, коллежлар, билим юртлари, махсус мактаб-интернатлар, спорт майдонлари, ёш томошабинлар театри, турли жамғармалар, бошқа маданий-маиший муассаса дейсизми, ҳаммасининг фаолияти уларнинг хизматига йўналтирилган. Бундай масканлар сафида «Чортоқ» болалар санаторийси ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбекистон ўқувчиларининг ифтихори бўлиб келаётган Чортоқ болалар санаторийсининг ташкил этилганига келгуси йили 30 йил тўлади. Илк бор бу ерда очилган мактаб-интернат 1968 йилга келиб 150 ўринли болалар санаторийсига айлантирилган эди. Бугунга келиб сиҳатгоҳ ҳар қабулда 350 нафар болани ўз бағрига олади. Йил давомида 2500 нафар ўқувчи мактабдан ажралмаган ҳолда шу ерда соғлигини мустаҳкамламоқда.

Сиҳаттоҳга кираверишда — дарвоза олдига икки шер қайкали урнатилган. Кучли, довюрак ва келишган бу жониворлар кириб-чиқувчиларни синчиклаб куздан кечираётганга ўхшайди гўё. Бош шифокор Иззатулла Каримов изоҳ бериб дейди: «Ёшлик — бу орзу, ишонч, жасоратга, тақлид қилишга интилиш. Ёшлик — бу шижоат, жўшқинлик... Қўнгил орзулари ранго-ранг бўлган болаларимиз шер каби соғлом, довюрак, келишган бўлмоғи керак...»

Тошкентлик рассом ва ҳайкалтарош Рашид Сулаймонов санаторийни болалар дили ва дунёқарашидан келиб чиқиб безаган. Плакатларда, ҳайкаллада рамзий маъно — ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги кураш, болаларга меҳр-муҳаббат сингдирилган. Нигоҳимизни ўзига тортган бошқа бир ҳайкалда, боласини бағрига босган она қаршисида илон турибди. У болани чақиб улгурмаган, қаердандир ҳалоскор бургут етиб келган. Қуш илоннинг танасини ўткир чангали билан қисиб бошини чўқиб ташламоқчи. Илон — касаллик, бургут — ҳалоскор шифокор рамзи. Улар фарзандларимизга чанг солган дардга қарши бургут каби ташланиб курашади, касалликни енгиб, боланинг ҳаётини омон сақлаб қолишади. Ёш дам олувчилар бу ўзига хос тасвирларни нафақат мириқиб томоша қилишади, ундаги маънони бир-бирларига ҳикоя қилиб беришади. Бундай машқлар кичкинтойларни фикрлашга ўргатади...

Санаторийда 3-синфдан 9-синфгача бўлган ўқувчилар келиб дам олади, айни чоғда мактаб дастури бўйича ўқишни давом эттиришади. Сиҳаттоҳ доирасида 400 ўринли мактаб ишлаб турибди.

Фарзандларимиз бир қаранда соғлом, қувноқ ўсиб, камол топаётгандек кўринади. Бироқ, шифокор нигоҳи билан синчиклаб текширилса, уларнинг саломатлигида нуқсонлар ҳам топилади. Турар жойидаги поликлиника рўйхатида турадиган болалар танасидаги иллатларни шифокорлар касаллик варақасига қайд қилиб боришади. Ота-оналар рузғор ташвиши билан бўлиб ўз боласи соғлигидаги бу камчиликларни сезишмайди, баъзи ҳолларда фарзандларини санаторийга юборишга ҳоҳиш бўлмайди. Дарднинг олди қанчалик тез олинса, шунча соз. Саломатлигида нуқсони бор болаларни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси назоратга олиб, «Чортоқ» санаторийсига дам олиш учун йўлланмалар ажратади. Бу ерга келган 3-8 синф ўқувчиларининг икки ой мириқиб дам олиши, даволаниши, мактаб дастури бўйича ўқишни давом эттириши учун ҳамма қулайликлар бор.

Кейинги йилларда Орол бўйи ҳамда Хоразм вилояти ўқувчилари учун сиҳаттоҳдан кўплаб ўринлар ажратилмоқда. Хоразмдан яқинда 40 нафарга яқин бола қабул қилинди. Шифокорлар — стоматолог, қулоқ, томоқ, ички аъзолар бўйича малакали мутахассислар дам олгани ва даволангани келган ўқувчиларни синчиклаб текширишади, тащхис қўйишади. Минерал сув ваннаси, массаж, даволаш гимнастикаси тайинлашади. Касаллик ҳолатига қараб физиотерапевтик даволаш омилларини қуллайдилар. Дармондориларга сероб пархезли таомлар дастурхонига утказади. 500 ўринли ошхона кун бўйи ишлайди. Болалар бу ерда кунига 5 маҳал овқатлантирилади. Дастлабки кун дам олишга келган болаларнинг қўпчилиги озғин, асаби таранг бўлади. Бу ерда дам олиб уйига қайтаётганда бошқача кишиларга айланади: ҳаммаси дуркун, бахтиёр, 2 ой дам олгани сезилиб туради.

Соғлом авлод — порлоқ келажак

— Санаторийда жорий этилган кун тартиби комплекс даволашнинг асосий ва ажралмас қисмидир, — деб изоҳ беради бош шифокор Иззатулла Каримов. — Уйқудан уйғониш, гимнастика, ювиниш, нонушта, гимнастика, даволаш сеанслари, тушлик овқат, сокинлик соати, мактаб, кечки овқатланиш, тўгаракларда иштирок этиш, саломатлик ҳақида суҳбатлар тинглаш, кинофильмлар намойиши бири бирига уланиб, бири-бирини тўлдириб боради. Бу тадбирлар график бўйича қатъий белгиланган соатларда кечади.

Ҳар бир тадбир чоғида меҳрибон тарбиячилар, шифокорлар ва ўқитувчилар ёшларга ҳамроҳу ҳамроз. Улар ёш дам олувчиларнинг атроф-муҳитга тез қуникма ҳосил қилишига, одамлар билан яқин кишисидек эҳтиёжсиз, сирлашиб кетишига кумаклашади. Эринмай саволларига жавоб қайтаришади.

Чиндан ҳам санаторийдаги таълим-тарбия, ёшларнинг дам олиши, ўқиши илмий йўналишда ташкил қилинган, маънавиятимиздаги ижобий анъаналардан ҳам унумли фойдаланилган. Бу ерда бир марта бўлган бола нафақат соғлигини мустаҳкамлайди, кўплаб фойдали одатларни ҳам ўзлаштиради. Вақтида ухлаш, вақтида овқатланиш, эрталабки гимнастиканинг киши саломатлигида тутган аҳамиятини тушуниб етади.

«Чортоқ» болалар санаторийси ўқувчиларнинг бебаҳо мулки. Ётоқхонаси муҳташам бинода жойлашган. Дам олиш, ухлаш ҳоналари бадастир, атроф ораста, даволаш кабинетлари шинам, замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ёшларни даволаётган, массаж қилаётган шифокорлар, дарс ўтаётган ўқитувчилар, буш соатда ёшларнинг суҳбатдоши — тарбиячиларнинг кузида меҳр-муҳаббат сезилиб туради. Мураббийлар болалар дунёси ўзига хослигини, улар адолатни, тенгликни ёқтираётганини ёки яхши сўзлар бир умр эсида қолишини яхши биладилар, шунга яраша муомала қиладилар.

Доришунос Абдужаббор Икромов 30 йилдан буён шу ерда муқим ишлаб келади. У фитобар очиб, болаларни гиёҳлардан тайёрланган дамламалар билан сийлаб, соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшяпти. 30 йилдан бери ишлаб келаётган Салима Қаҳҳорова гимнастика машқлари билан болаларни чиниқтиради. Раъногул Бобоҳужаева бола танасида пайдо бўлган яра ёки ғирранларни ультрабинафша нурлари билан даволайди. Озода Ҳайитова баъзи ҳарфларни талаффуз қилолмайдиган лудуқ болалар билан эринмай машқ ўтказади. Абдумалик Қаюмов болалар асабини мустаҳкамловчи муолажалар утказади. Бўлим бошлиғи Абдурасул Холмирзаев игна билан даволайди. Тиббиёт фанлари номзоди Турдиали Улуғхужаев, олий ва биринчи тоифадаги шифокорлар Абдураим Ҳакамов, Уғилхон Тошматова, малакали ҳамширалар Карима Адашева, Матлуба Иноқова, Муборак Кенжабоева, фельдшерлар Жамолиддин Тухтаназаров, Ёқубжон Бутабоев. Икки юз нафардан ортиқ жамоа аъзоларининг ҳар бири ҳақида ана шундай жўшиб ҳикоя қилиш мумкин.

Бозор шароити қийинчиликларига қарамай санаторийда бирон бола ўрни қисқаргани, бирон булим ёпилгани йўқ. Аксинча жамоа ўз имкониятларини ишга солмоқда, ҳашар йўли билан янги-янги қурилишларни амалга оширмоқда.

Ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. У болаларни янги сут, қатиқ, гўшт билан таъминлашни, қиш учун сабзавот-мева жамғаришни зиммасига олган.

Иззатулла Каримовнинг моҳир ташкилотчилиги санаторийдаги ўзгаришларда ўз аксини топган. У 1973 йилдан бери бош раҳбар. Бу йиллар ичида санаторий кенгайди, жамол очди, гулларга, мевали, манзарали дарахтларга бурканди, даволашнинг янги усуллари жорий этилди. У «Чортоқ» болалар санаторийси» рисоласининг муаллифларидан бири, «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Мустақилликнинг биринчи йиллиги» эсдалик медали билан тақдирланган.

— Санаторийимизда бўлган болалар юрт меҳрини ҳис этадилар, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бола ёшлигида юрт меҳрини англаса бундайлардан Ватанини жонидан севадиган, керак бўлса ҳаётини фидо қилишга тайёр асл баҳодирлар етишиб чиқади. Агар у ёшлигида дардга чалинсаю, ота-оналар, шифокорлар бола соғлигига бепарво бўлсалар, санаторийга юборишмаса, келгусида улардан боқиманда-ногиронлар пайдо бўлиши мумкин.

Бош раҳбар ҳақ. Болалар, эртанги кунимиз эгалари. Уларнинг қандай кишилар бўлиб камол топиши ёшликдан бошланади. Бола ёшлигидан соғлом усса, келгусида у албатта бақувват, баркамол инсон бўлиб етишади. Сулим гўша — «Чортоқ» болалар санаторийси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказувчи ўзига хос маскандир.

Баҳром ҚАҲҲОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Теннис

ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуасида халқаро сателлит — «Буюк Ипак йўли» турнири мусобақалари якунланди. Саралаш ўйинлари натижаларига кўра ярим финалда маҳорат кўрсатиб, белоруссиялик Александр Швецни мағлуб этган ҳамюртимиз Вадим Куценко Евгений Михеев билан майдонга тушди.

Турнирнинг ҳал қилувчи кураши ғоят кескин бўлди. Икки маҳоратли теннисчининг ҳар бир ҳаракати, чаққонлиги ҳакамлар ва спорт ишқибозлари диққат-эътиборини тортди. Беллашувда ҳамюртимиз Вадим рақибидан ҳар томонлама устун эканини кўрсатди. Мусобақа натижаларига кўра Вадим Куценко устунликка эришди. Халқаро сателлит — «Буюк Ипак йўли» турнири ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин белоруссиялик Евгений Михеевга насиб этди. Турнирнинг ёпилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят теннис федерацияси президенти Х. Ҳайдаров икки ғолибга дўппи ва чопон кийдирди, совринлар топширди.

М. РАҲИМЖОНОВ.

Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигареталари

Яккасарой туманидаги «Телекс» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «SONOR» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Телефон: 45-66-78.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Сунатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0735, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.